

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НАРЗИЕВА МАЪМУРА НОРПУЛАТОВНА

**БАДИЙ ҚИЁФА ВА МАНЗАРА ЯРАТИШНИНГ АДАБИЙ-ПОЭТИК
ТАДҚИҚИ (АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological Sciences**

Нарзиева Маъмура Норпулатовна

Бадий қиёфа ва манзара яратишнинг адабий-поэтик тадқики
(Абдулла Орипов шеърияти мисолида) 3

Нарзиева Мамура Норпулатовна

Литературно-поэтическое исследование художественного образа и
пейзажного творения (на примере поэзии Абдуллы Арипова) 23

Narzieva Mamura Norpulatovna

Literary-poetic research of artistic image and landscape creation (on the example
of the poetry of Abulla Aripov)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НАРЗИЕВА МАЪМУРА НОРПУЛАТОВНА

**БАДИЙ ҚИЁФА ВА МАНЗАРА ЯРАТИШНИНГ АДАБИЙ-ПОЭТИК
ТАДҚИҚИ (АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ МИСОЛИДА)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.1.PhD/Fil1576 рақам билан
рўйхатга олинган.**

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
саҳифасида (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Йўлдошев Бойназар

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Баҳодир Нурметович

филология фанлари доктори, профессор

Ҳамроев Жумақул

филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақами Илмий кенгашнинг
2022 йил “___” ____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104,
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366)
239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети,
Бош бино, 105-хона).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-
ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104,
Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366)
239-11-40.)

Диссертация автореферати 2022 йил “___” ____ куни тарқатилди.
(2022 йил “___” ____ даги ___-рақамли реестр баённомаси)



М.Қ.Мухиддинов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филология фанлари
доктори, профессор

Д.Б.Хурсанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори, (PhD)

Ш.А.Ҳасанов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиёти инсон руҳияти, унинг тафаккури, маънавий қадриятлар билан боғлиқ жиҳатларини қамраб олишига кўра ҳам умуминсоний аҳамият касб этмоқда. Бу масалалар бадиий ижоднинг турли кўринишларида, айниқса, шеърий асарларда поэтик мазмун, бадиий қиёфа, манзара, шакл ва образлар кўринишида намоён бўлмоқда. Шу боис жаҳон адабиётшунослигига бадиий адабиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшган, ижодда бадиий қиёфа ва манзара яратишида ўз йўналишига эга бўлган, мазкур йўналишида ўзига хос мактаб яратган шоирлар ижодининг бадиий-поэтик жиҳатдан тадқиқи муҳим ҳисобланмоқда. Бадиий қиёфа ва манзаралар тасвири орқали тарихий шахсларга мурожаат этиш, ислом фалсафаси асосида образ яратиш маҳоратини таҳлил этиш замонавий адабиётшуносликда долзарб муаммо саналади.

Дунё адабиётшунослигига бир қатор шоирлар ижоди намуналари асосида бадиий қиёфа, манзара адабий-поэтик тадқиқ этилиб келинишига қарамай, ушбу масалани миллий ўзлик, Ватан дахлизлиги нуқтаи назаридан тарихий шахслар қиёфаси орқали тасвирлаш, эрк ва озодлик ғояларини жаҳон андозалари асосида таҳлил этиш ҳамда уларни бир тизимга солиб ўрганиш долзарблигича қолмоқда. Шунингдек, шоир шеъриятида қиёфа яратиш орқали миллий ўзликни англаш ҳамда Ватан тушунчасини, замонавий инсон руҳиятини табиат ва жамият билан алоқадорликда тадқиқ этиш бирламчи мақсад саналади. Бугунги кунда бу масалаларга ойдинлик киритиш ҳамда жаҳон тажрибалари орқали қиёфа, манзара тасвирини бир маҳражга солиш, унда бадиий маҳорат масаласини тадқиқ этиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда ижодкор шахсига бўлган муносабат адабий жараённинг асосий масалаларидан бирига айланиб улгурди. Зеро, “Адабиёт – ҳалқнинг юраги, элнинг маънавияти қўзгуси. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”¹. Ўзбек адабиётшунослигига миллий ўзликни ифодаловчи бадиий-эстетик қонуниятлар, ўзбек ҳалқига хос бўлган адабий анъаналар, бадиий ижодда етакчилик қилаётган ноанъанавий қарашлар тамойилларини миллий истиқлол талабларидан келиб чиқиб баҳолаш ва шу асосда эришилган ютуқларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат ўз навбатида адабиётшунослигимизда кам ўрганилган бадиий қиёфа ва манзара яратишида шоирнинг ижодий эврилишлари, поэтик образ яратиши, поэтик тафаккури, анъана ва новаторлиги, индивидуал хусусияти ва бадиий маҳоратини ўрганиш заруратини туғдирмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида барпо этилган Адиблар хиёбонининг очилишида сўзлаган нутки. / Халқ сўзи, 2020, 21 май. №106 (7608).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни саклаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2020 йил 2 декабрдаги ПҚ-4906-сон “Ўзбекистон Қаҳрамони ва халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига муайян даражада хизмат қиласи.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигига бадиий асар композициясида портрет, бадиий қиёфа, пейзаж санъати билан боғлиқ муаммолар илгаридан тадқиқчиларни қизиқтириб келади. Шу боис кўплаб тадқиқотларда бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган¹. Рус² ва ўзбек³ адабиётшунослари томонидан ҳам ижодкор индивидуал услубининг

¹Hanson N. B. That pleasant place: the representation of ideal landscape in English literature from the 14th to the 17th century. – Copenhagen: Academisk forlag, 1973. – 341 p.; Drabble M. A writer’s Britain landscape in literature. – L.: Thames & Hudson Ltd, 1979. – 324 p.; Kanady V. R. Nature in modern english poetry / printed by Shiniwas Gupta at Chetna rinters. – New Delhi.: Sterling publishers Limited, 1985. – 348 p; Shairp J. C. On poetic interpretation of nature Boston. – New York, 1985. – 265 p.

²Галанов Б. Живопись словом. Портрет. Пейзаж. Вещь. – М.: Сов. писатель, 1974. – 343 с.; Громов М.П. Портрет, образ, тип // В творческой лаборатории Чехова. – М.: Наука, 1974. – С. 142-162.; Башкеева В.В. Русский словесный портрет: Лирика и проза конца XVIII первой трети-XIX века: дис. ... доктора филол. наук – М., 2000. – 424 с.; Витрук О.А. Пейзаж как текстовое явление: на материале произведений англоязычных писателей XX начала-XXI вв.: дис. ... канд. филол. наук. – Ростов-на-Дону, 2011. – 173 с.; Воронин Р. А. Виды и функции пейзажных описаний в литературе. – Филология и лингвистика в современном мире: материалы Междунар. науч. конф. (г. Москва, июнь 2017 г.). – М.: Издательский дом Буки-Веди, 2017. – С. 1-4.; Гринёва С.П. Традиции классической литературы в пейзаже И.А.Бунина // Творчество И.А.Бунина и русская литература XIX-XX веков: Материалы науч.-практ. Всерос. конф., посвящ. 127 годовщине со дня рождения И.А.Бунина 16-17 окт. 1997 г. – Б.: БегГУ, 1998. – С. 21-30.; Жукова Н.Д. Пейзаж в “Мертвых душах” Н.В. Гоголя: автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Днепропетровск, 1992. – 16 с.; Колосова. С.Н. Портрет в русской лирической поэзии. – М.: ИПК Литера, 2011. – 294 с.; Манин В.С. Пейзажное творчество Поленова // Василий Дмитриевич Поленов и русская художественная культура второй половины XIX первой четверти-XX века: сб. материалов. / Отв. Ред. Э.В. Пастон. М., СПб., 2001. С. 60-73.; Минералова И.Г. Поэтический портрет эпохи // Темы русской классики. – М.: Век книги, 2002. – С. 129-134.; Себина Е.Н. Пейзаж // Введение в литературоведение. Литературное произведение. Основные понятия и термины // под ред. Л.В. Чернец. М., 1999. – С. 228-240.; Сырица Г.С. Поэтика портрета в романах Ф.М.Достоевского. – М.: Гнозис, 2007. – 407 с.; Толова Г.Н. Пейзаж в литературе и искусстве // Пейзаж в литературе и живописи: сб. науч. тр. / под ред.: Г.Н. Толовой. – Пермь: Изд-во 111 НИ, 1993. – С. 3-10.; У Чунъмэй Портрет в рассказах и повестях Л.Н. Андреева: дис. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 167 с.

³Қаюмов Х.Художественные изображение природы и человека В узбекской советской детской литературе. АҚД. – Ташкент, 1983; Набиев Ф. Духовный мир героя и изображение природы в творчестве Алишера

шаклланишида манзара ва пейзажнинг тутган ўрнини ўрганишга доир салмоқли ишлар амалга оширилган. Ўзбек адабиётшунослигига шу йўналишда Абдулла Орипов изоди бўйича бир қатор ишлар мавжуд. Шоир шеърияти М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Шукров, И.Фафуров, Ҳ.Умурев, Н.Рахимжонов, М.Махмудов, Б.Акрамов, Қ.Йўлдошев, И.Ғаниев, Н.Афоқова, Ш.Ҳасанов, А.Улуғов, У.Жўракулов, Д.Бегимқулов, Н.Жабборов, Н.Шодмонов, Г.Ашуррова, А.Ҳамдамов, Л.Ўсарова, Г.Равшанова каби олимлар ва тадқиқотчилар томонидан турли йўналишларда таҳлилга тортилган¹. Н.Афоқова, М.Қўшжонов, С.Мелиевлар томонидан яратилган монографияларда Абдулла Орипов лирикасидаги бадий санъатлар, шоир асарларида поэтик индивидуаллик хусусида сўз юритилган. Н.Афоқова шоирнинг лирик асарлари бўйича кузатишларини умумлаштириб, 1997 йилда “Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. А.Ҳамдамов эса Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммосини, Г.Эрназарова XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқинини, Г.Равшанова Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳоратини маҳсус тадқиқ этдилар. Бундан ташқари, ўзбек шеъриятига бағишлиланган кўплаб тадқиқотларда Абдулла Орипов изодининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумотлар берилган. Кўринадики, Абдулла Орипов изоди муаммоларини ўрганиш бўйича муайян тажриба тўпланган, илмий тадқиқотлар яратилган. Айни чоғда истиқлол даври ўзбек шеъриятида Абдулла Ориповнинг бадий қиёфа ва манзара яратишдаги маҳорати бугунги адабий жараёнда кенг миқёсда ўрганилмаганлиги бу борада маҳсус тадқиқот олиб боришни тақозо қиласди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари

Наваи (на материале поэм “Фарҳад и Ширин”, “Лейли и Меджнун”). – Ташкент, 1990; Эркинов А. Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида). КД – Тошкент, 1990; Фармонова М. Концепция природы и человека в узбекской лирике 80-х г. АКД – Ташкент, 1992; Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. – Тошкент, 1994; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент, 2010; Курунов С. Эгиз санъатлар. – Тошкент, 2018.

¹Қўшжонов М. Онажоним шеърият. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994; Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979; Қўшжонов М., Мелиев С. Абдулла Орипов. – Тошкент: Маънавият, 2001; Мелиев С. Сўзу сўз. – Тошкент: Sharq, 2020; Шукров Н. Сўз сехри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992; Faфуров И. Лириканинг юраги. Тошкент: Ёш гвардия, 1982; Йўлдошев Қ. Сўз ёлкини. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги НМИУ, 2018; Улуғов А. Асл асарлар сехри. Тошкент: Faфур Гулом номидаги НМИУ, 2007; Жабборов Н. Замон, мезон, шеърият. – Тошкент: Faфур Гулом номидаги НМИУ, 2015; Шодмонов Н. Шоир изодининг олмос қирралари. / Ўзимники эрур шу созим. Илмий-амалий конференция материаллари. – Қарши: ҚарДУ нашриёти, 2011. – Б. 45-53; Афоқова Н. Абдулла Орипов лирикасида бадий санъатлар. Филол. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 1998; Жўракулов У. Армон талқинлари. / Ҳудудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 143-151; Умурев Ҳ. Абдулла Ориповнинг шеър ҳакидаги илмий қарашлари. / Илмий ахборотнома материаллари. – Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2021. – Б. 5-9; Ҳасанов Ш. Абдулла Ориповнинг адабий сабоқлари. / Илмий-амалий конференция материаллари. – Навоий: НавДПИ нашриёти, 2021. – Б. 24-29; Ғаниев И., Афоқова Н. Озод рух фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2007; Ашуррова Г. Сўз ва тимсол уйғунлиги. – Тошкент: Маънавият, 2007; Ҳамдамов А. Абдулла Орипов шеъриятида халқона поэтик тафаккур муаммоси. Филол. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 2011; Усарова Л. Абдулла Орипов асарларида миллий рух ифодаси. Филол. фанл. номз... дисс. – Тошкент, 2020; Равшанова Г. Абдулла Ориповнинг ҳажвнавислик маҳорати: Филол. фан. фалс. докт... дисс. – Қарши, 2020.

режасига мувофиқ “Адабий тур ва жанрлар поэтикаси” мавзусидаги илмий йўналиш доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулла Ориповнинг поэтик манзара ва бадиий қиёфа яратиш маҳорати, уларнинг шоир асарларида воқеланиши, қонуниятлари ҳамда бадиий-эстетик таъсирчанликни таъминлашдаги вазифасини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абдулла Ориповнинг поэтик манзара ва бадиий қиёфа яратишдаги новаторлигини ўрганиш;

Ватан, она юрт образи манзаралари лирик моҳият ва миллий рух ифодасининг бадиий-эстетик воситаси эканлигини асослаш;

шоир шеъриятида инсон руҳиятини ёритишда табиат манзараларидан фойдаланиш борасидаги ўзига хосликларни аниқлаш;

Абдулла Орипов шеъриятида тарихий шахс қиёфаларининг миллий ўзига хосликни ифодалашдаги ўрнини далиллаш;

диний-фалсафий тушунчаларни шоир шеъриятидаги аҳамияти ҳамда ғоявий жиҳатларини ёритишда мутасаввуф ижодкорларнинг бадиий қиёфасини яратиш маҳоратини таҳлилларда очиб бериш.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида Абдулла Ориповнинг турли йилларда яратилган асарлари, жумладан 2000-2016 йиллар оралиғида нашр қилинган саккиз жилдлик асарлар тўплами ва 2019 йили чоп этилган “Танланган асарлар”ида жамланган шеърлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Абдулла Ориповнинг шеърий асарларидаги поэтик манзара ва бадиий қиёфанинг инсон характерини ифодалашдаги ўрни ва адабий-эстетик вазифасини тадқиқ қилиш ҳамда уларни қиёсий-типологик методлар орқали илмий-назарий ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, аналитик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Абдулла Орипов лирикасида бадиий характер яратиша *дехқон*, дорбоз каби миллий ҳамда *ота, аёл, гӯдак* сингари умуминсоний портретлар поэтик тасвирда бадиий-эстетик вазифа бажарувчи портрет-пейзаж, портрет-деталь, психологик портрет каби категориялар орқали ифодаланганни аниқланган;

ижодкор шеъриятида пейзажнинг соф табиат лавҳалари, фалсафий образ, руҳий кайфиятни ифодалаш каби вазифаларда қўлланилганлиги далилланган;

шоирнинг инсон бадиий қиёфасини яратиша мимика, имо-ишора, кулги, қўзёш, умр ёши, овоз, ранг каби портрет фрагментларидан фойдаланганлиги исботланган;

ижодкорнинг бадиий қиёфа ва манзара яратишдаги маҳорати темир одам, номаълум одам, лўттибоз каби оддий инсонлар, Амир Темур, Паҳлавон Маҳмуд, Шароф Рашидов сингари тарихий шахслар қиёфаси ҳамда табиат, йил фасллари ва истиқлол манзаралари орқали ёритилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

шоир асарларида тасвирланган поэтик манзара ва бадий қиёфалар миллий ўзлик, миллий истиқлол ғоялари ифодаси адабиётшуносликка оид фанлар учун бой манба эканлиги далилланган;

ижодкор лирик асарлари таҳлили асосида поэтик манзаранинг ранг-баранг кўринишлари ва бадий қиёфалар яратишнинг поэтик мазмун ва поэтик воситалардаги муҳим жиҳатлари аниқланган;

шоирнинг суврат ва сийрат яратиш маҳорати, мавзу ва гояда халқ, Ватан, истиқлол талқини, инсон концепциясининг ифодаси таҳлили орқали ўзбек шеъриятининг эрк ва озодлик ғояларига эшлиги ва бадий-эстетик тараққиёти асослари кўрсатилган;

Абдулла Орипов шеъриятида аждодларимиз қиёфасини таҳлил этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётшунослигининг кейинги йиллардаги тараққиётига, шоир ва шоирлар услугуга оид назарий ва амалий қарашларнинг мукаммаллашувига, дарслик ва ўкув қўлланмаларнинг замонавий қарашлар билан бойишига хизмат қилиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилгани, ишончли илмий-назарий манбалардан фойдаланилганилиги, қўлланилган усуллар ва назарий маълумотларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий қарашлар ва хулосалар қиёсий-типологик, психологик, биографик таҳлил методлари воситасида асосланганлигига кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, Абдулла Орипов асарларига оид тадқиқотларда эришилган илмий ютуқлар ва назарий фикрларни мусаввирона тасвирлар билан тўлдиради, поэтик манзара ва бадий қиёфаларнинг бадий матнлари бадий-эстетик вазифаси илмий-назарий қарашлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти замонавий ўзбек шеъриятининг тараққиёт тамойиллари ва тенденциясига доир илмий изланишлар учун материал бера олади, олий ўкув юртларининг филология йўналишида “Адабиёт назарияси”, “Хозирги адабий жараён”, “Адабиёт ўқитиши методикаси” каби фанлардан маъruzalар ўқишида ва амалий машғулотлар ўтказишида, дарсликлар ва ўкув қўлланмалар яратишида манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулла Орипов асарларида бадий қиёфа ва манзара яратишнинг адабий тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

Абдулла Орипов лирикасида бадий характер яратишида миллий ва умуминсоний портретларнинг ўрни поэтик тасвирда бадий-эстетик вазифа бажарувчи портрет-пейзаж, портрет-деталь, психологик портрет каби категориялар орқали ифодаланганига оид хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг фольклоршунослик қисмини бажаришида фойдаланилган (ЎзРФАҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 16 октябрдаги 17-01-254-сон маълумотномаси). Натижада миллий

ва умуминсоний портретлар, портрет-пейзаж, портрет-деталь, психологик портрет каби категорияларни яратишида халқона охангларнинг бадий-эстетик қиммати ва унинг аҳамиятини қўрсатишга эришилган;

шоирнинг инсон бадий қиёфасини яратишида мимика, имо-ишора, кулги, кўзёш, умр ёши, овоз, ранг каби портрет фрагментларидан фойдаланганлиги каби хulosалардан 2012-2016 йилларда бажарилган ФА-Ф1-Г002 “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг адабий жанрлар қисмини бажаришида фойдаланилган (ЎзРФАҚҚБ Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 22 ноябрдаги 17-01-255-сон маълумотномаси). Натижада поэтик жанрларда портрет ва бадий қиёфанинг ўзига хос жиҳатларига оид хulosалар илмий-назарий далиллар орқали исботланишига хизмат қилган;

ижодкор шеъриятида пейзажнинг соф табиат лавҳалари, фалсафий образ, руҳий кайфиятни ифодалаш каби вазифаларда қўлланилганлигига оид илмий хulosалар Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Madaniyat va ta’rifat” телеканали ижодкорлари томонидан тайёрланадиган “Адабий жараён” ва “Тадқиқот” қўрсатувлари учун методологик асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Маданият ва маърифат” телеканали давлат муассасасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-16/165-сон маълумотномаси). Натижада мазкур хulosалар қўрсатувларда поэтик пейзаж ва манзаранинг адабий поэтик талқинини кенг ёритиш имконини берган;

Абдулла Ориповнинг бадий қиёфа ва манзара яратишдаги маҳорати замонавий ўзбек шеъриятидаги етакчи тамойилларга боғлиқ ҳолда ўрганилган ўринлардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Онажоним шеърият” тўгараги маъruzalariда фойдаланилган. (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2021 йил 13 сентябрдаги 01-03/1073-сон маълумотномаси). Натижада бадий қиёфа, манзара тушунчаларининг мазмун-моҳияти ёритилиб, Абдулла Орипов шеъриятининг инсон маънавиятини бойитишдаги ўрнини қўрсатишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халкаро, 5 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг Кириш қисмida танланган мавзунинг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертацияниң биринчи боби “**Пейзаж ва портретнинг фалсафий-поэтик талқини**” деб номланган бўлиб, у икки фаслдан иборат. Ушбу бобда, асосан, бадиий адабиётда портрет ва пейзажнинг ўрни, айниқса, бу каби хусусиятлар Абдулла Орипов шеъриятида маҳорат даражасида тасвир этилганлиги ҳақида сўз юритилган.

Бобнинг биринчи фасли “**Портрет спецификаси ва унинг поэтик таркиби**” деб номланиб, унда портретнинг ўзига хос хусусиятларига эътибор қаратилган. Ғарб адабиётшунослигига инсон тушунчасининг умумий моҳиятини портрет ва пейзаж билан боғлиқ ҳолда очиб беришга қаратилган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Б.Галанов ўзининг “Сўз таъсирчанлиги. Портрет. Пейзаж. Асар” китобида икки асарни – “Портрет санъати” ва “Сўз таъсирчанлиги”ни бирлаштирган¹. Бунда муаллиф портрет, пейзаж ва табиатдаги нарсаларнинг турли кўринишларида бадиийликни кўра билиш, уларни идрок қила билиш орқали инсон рухиятини очиб бериш тўғрисида фикр юритган. Мазкур мавзуга доир ишларнинг асосий қисми асrimiz бошларида яратилди. Бу даврда В.В.Башкееванинг XVI аср охiri ва XIX асрнинг дастлабки чорагида яратилган лирик ва прозаик асарларида сўз санъати тўғрисидаги, М.В.Богомолованинг Андрей Платонов романларидағи қаҳрамонлар портрети, Н.М.Гуровичнинг Н.В.Гоголь ва М.Ю.Лермонтовнинг эпик асарлари тузилишида персонажлар портрети тасвирига бағишиланган ишлари майдонга келди. Адабиётшунос Л.Н.Дмитриевская ўз кузатишларида дунё ва инсон образи тўғрисида фикр юритар экан, пейзаж, портрет ва қиёфа уйғунылиги, бадиий асарларда пейзаж ва портрет масаласи, муаммони белгилаш ва адабий таҳлил масаласига кенг тўхталади. М.Н.Жорникованинг тадқиқотларида ўтган асрларда яратилган романтик повестлар мисолида портрет поэтикаси тўғрисида маълумот берилган бўлса, П.В.Невская адабий-бадиий портрет яратишнинг асосий мезонлари ва тавсифига эътибор қаратган². Демак, кўпгина тадқиқотларда портрет тушунчасига катта эътибор қаратилган ҳамда ижодкорлар маҳорати шу асосда ўрганилган. А.Орипов ижодига ҳам шу нуқтаи назардан эътибор қаратилса, куйидаги хусусиятлар яққол кўзга ташланади. Биринчидан, шоир шеъриятида асосий ўринни психологик портретлар эгаллайди. Ушбу

¹Галанов Б. Живопись словом. Портрет. Пейзаж. Весь. – М.: Сов.писатель, 1974. – 343 с.

²Невская П.В. Литературно-живописное портретирование: основные параметры и характеристики. – Краснодар., 2010. – 142 с.

фикримизга шоирнинг қуйидаги шеъри ҳам мисол бўла олади: ... *Кеч куз эди, мен сени кўрдим, // Деразамдан боқарди бирор. // У сен эдинг, о, дехқон юртим, // Тураг эдинг ялангтўш, яёв. // – Ташқарида изиллар ёмғир, // – Кир, бобожон, яйрагил бироз. // Дединг: – Пахтам қолди-ку, ахир, // Йизиштирай келмасдан аёз. // Кетдинг, умри маҳзаним маним, // Ўзбекистон, Ватаним маним*¹.

Лирикада муаллиф (шоир) билан ички кечинмалари тасвиrlанаётган шахс (қаҳрамон) олами бирлашади (худди лирикага хос фикр ва ҳисларнинг қоришиб бутунлашгани каби), яхлитлашади. Ана шу яхлитлиликдан лирик қаҳрамон дунёга келади². Шоир дехқон образига Ватанин жойлар экан, унинг виждан олдидаги бурчини етакчи мавқега кўтаради. Шу орқали бободехқон бурчи олдида аёз ҳам, ёмғир ҳам писанда эмас. А.Орипов диалог орқали бутун бошли ҳалқ қиёфасини гавдалантиради. Бу ҳалқнинг вижданни бутун эканлигини эса мисраларда жой олган пахта детали ҳам исботлайди. Натижада дехқон қиёфаси Ватан қиёфасининг бир мўъжаз кўринишида ўз аксини топади.

Шуниси эътиборлики, шоир шеърларида ундов сўзлардан маҳорат даражасида фойдаланади. *O, дехқон юртим мисрасидаги* ундов сўз (сўз бисоти) лирик қаҳрамонни дехқон образига яқинлаштириб, унга ҳамдардлик билдиришга йўл очади. Натижада дехқон юрт портрети ҳамда юртнинг манзарави шу кичик, ихчам ҳамда лаконизм асосида қурилган мисраларга жо бўлади. Дехқон юртнинг ялангтўш, яёв туриши ҳолати унинг портрети бўлиб тасвир этилган бўлса, деразадан бирорнинг боқиши, ташқарида эса изиллаётган ёмғир поэтик манзара тасвири бўлиб суратлантирилган. Асосийси, бу тасвиrlар лирик қаҳрамон наздида дехқон юртнинг маҳзанига айланган. Шоир маҳзан сўзини танлар экан, унга жуда оғир юк жойлади. Маҳзан сир-асрорни ифода этиши билан бирга хазина маъносини ҳам англатади. Демак, шоир учун дехқон ҳалқи ялангтўш аҳволда бўлса-да, унинг вижданни ҳар недан устунроқ. Вижданни уйғоқ юрт эса ҳақиқий хазина. Бундан ташқари, шоир худди рассомлардек манзарани образнинг ортида фон сифатида тасвир этади. Бироқ бу фон мазкур образсиз ўз рангин жилоларини йўқотади. Яъни манзара “кеч куз” ҳамда “дехқон юрт” бир портрет чизгиларида бирлашади.

Иккинчидан, шоир ижодида портрет-деталь (“Най”, “Дорбоз” шеърлари), портрет-интерьер (“Онамга хат” шеъри), портрет-пейзаж (“Булут” шеъри) каби кўринишлари ҳам маҳорат даражасида суратлантирилган. Бу хақда тадқиқотда батафсил маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Бобнинг иккинчи фасли “Пейзаж ва бадиий маҳорат” деб номланган бўлиб, бу фаслда пейзажнинг бадиий асардаги ўрни ҳамда унга юклатилган фалсафий фикрлар тадқиқ этилган. Асарда табиат манзаравининг тасвиrlаниши орқали ёзувчи ўзининг юртига, Ватанига, она табиатга бўлган

¹ Орипов А. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б.180.

² Умурев Ҳ. Адабиёт назарияси. Дағслик. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.225.

муносабатини ҳам ифодалashi бугунги қунда ҳеч кимга сир эмас. Бадий асарда пейзаждан икки хил усулда фойдаланилади: қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини табиат тасвири билан параллел равишда тасвирлаш ва қарама-қарши (контраст) усулда тасвирлаш. Пейзаж тасвири орқали муаллиф ўзининг асосий ғоявий ниятини илгари суриши ҳам мумкин. Аммо пейзажлар қаҳрамонларнинг ҳиссий тажрибаларини очишнинг асосий воситаларидан биридир. Бундан ташқари, улар содир бўлаётган нарсаларга муаллифнинг муносабатини етказишга ҳам хизмат қиласди. Ваҳоланки, пейзаж асарнинг ғоявий мазмuni ва характерларни очишида қўшимча бадий восита ҳамдир. Ёзувчи пейзаж орқали баъзан бевосита ўз фикрларини баён қиласди, баъзан персонажларнинг ички кечинмаларини кўрсатади. Ҳар иккала ҳолда ҳам пейзаж маълум ғояни ифодалайди¹. Табиат манзарасининг тасвирини биз Абдулла Ориповнинг “Талош палласи” шеърида кўрамиз. Унда айни қуёшнинг уфқка бош кўйиб ботиши контраст усули ёрдамида маҳорат билан чизиб берилган: *Қуёш ботиб борар, // Уфқ қирмиз ранг, // Куршаб олаётир ер юзини тун. // Сўнгги дақиқада қилаётир жсанг // Тун ва кун, тун ва кун, тун ва кун*².

Инсонни ўраб турган борлик, наботот ва ҳайвонот ўртасидаги узвий боғлиқлик, инсон умри ва йил фасллари алмашинуидаги ўзаро ўхшашлик, оддий заррадан тортиб бутун коинотгача юз берувчи ҳар бир воқеа-ҳодиса инсонга боғлиқ эканлиги тўғрисидаги фалсафий қарашлар шоир шеъриятида ўз аксини топган. Контраст ҳолатдаги табиат тасвири жонланар экан, ундаги суратланган воқелик шом тушиш вактини ёдга солади. Вакт диалектикаси асос бўлган бу шеърда тирик табиатнинг тирилтириш жараёни аксланади. Вакт саҳнада тўхтаб қолгандай, бироқ тун ва кун ўртасидаги зиддият тобора авж нукталарга кўтарилади. Шеър конфликт асосига қурилганлиги боис тун ва кун орасидаги зиддиятни қон тўкиш даражасидаги жангга қиёслайди. Табиатнинг гўзал тасвири кун ботиши палласини эса талош палласи дея эътироф этади. Метафизик жараённи шеърга сингдирап экан, шоир наздида табиат, борлик бу кураш саҳнасини жим кузатишга маҳкум, ҳар ёнда ваҳмкор сирли сукунатнинг сокин ғалабасидан кушлар галаси ҳам нафас олишга қодир эмас, шамол ҳам бу онда қаергадир беркиниб олган. Бу каби сирли хилқат атмосфераси инсон руҳиятига таъсир этмасдан қолмайди. Айниқса, “Фалак пучмогига чекинар қуёши. // Энди маржон-маржон юлдузлар бўлиб, // Само яногида ялтирайди ёш” каби психологик тасвир шоир маҳоратини белгилаб қолмай, унга ўзига хос жозиба ҳам бағишлиайди. Бу табиатнинг ажиб манзараси ҳар кун такрорланса-да, бироқ унга эътибор у қадар теран эмас. Шоир эса нигоҳни теранлаштиришга, тийраклаштиришга сазовор бўлган.

Абдулла Ориповнинг кўпчилик шеърларида пейзаж портрет ҳамоҳанглигига суратлантирилади, яъни шоир пейзаждаги аниқ портрет ёки портретдаги пейзажни фалсафий ўйлар оғушида ўз ўкувчисига тақдим этади.

¹Мухаммадиева Ф. Пиримқул Қодировнинг пейзаж қўллаш маҳорати. <https://kutuphane.karabuk.edu.tr/yuklenen/dosyalar/126912020102453.pdf>

²Орипов А. Танланган асарлар. 6-жилд. – Тошкент: Sharq, 2010. – Б. 46.

Шу боис манзара янада жонланади, янада конкретлаштирилади. Ўқувчининг кўз ўнгидаги унинг шаклу шамойили, макон-манзараси сифатидаги акси ўз ифодасини топади. Шоирнинг 1972 йилда ёзилган “Софинч” шеърида ҳам худди шундай ҳолат кузатилади. Шеърни ўқиш баробарида кўнгилни қандайдир маҳзун туйғулар эгаллайди, ўйга толдиради. Шеърнинг дастлабки мисраларида қўлланилган “парчагина булут, чексиз осмон” образлари шоирнинг ижодга эндиғина қадам қўйган даврларида ёзилган асарларида ҳам учрайди. Улардаги сатрлар ортида табиат гўзаллигидан, булутлар ҳаракати ва осмон чексизлигидан завқланган ўспирин образи бўй кўрсатади. Бунда шоир ижодида етакчи деталлар бўлиб келган парчагина булут ва чексиз осмон ёнига янги бир унсур – адир ортидаги ёлғизоёқ йўл қўшилди. Йўл эса, табиийки, ўтмишга – шу вақтга қадар босиб ўтилган ҳаёт йўлига ишора қилмоқда. Инсон рухиятида исён қилаётган рух фожиаси рамзлар воситасида юзага чиқади. Айтиш мумкинки, шеърдаги деталлар – инсон фожиасини акс эттиришга хизмат қилувчи рамзлардир.

А.Орипов табиат тасвирини кўпроқ фалсафий фикр учун бўйсундиради. Унинг табиат манзараларига бағищланган шеърларини шоир рухиятининг кўзгуси дейиш мумкин. Унинг дастлабки шеърларида табиатнинг мафтункор манзаралари, ундан ижодкор рухиятида содир бўлган ҳайрат, қувонч, жўшқинлик акс этган бўлса, вақт ўтиши билан бу шиддат, жўшқинлик сокинлик, вазминлик билан алмашади. Энди шеърларда фалсафий теранлиқ, табиат ҳолати ва руҳий кечинма муштаракликда ўз ифодасини топади.

Тадқиқотнинг иккинчи бобида “**Шеъриятда инсон концепцияси**”га эътибор қаратилган бўлиб, унда шоир ижодида инсон, шахс қиёфалари ва уларнинг маънавий оламига урғу берилиб, сийрат ва сурат тушунчалари шу асосда тадқиқ этилган. Ушбу боб ҳам икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда шоир ижодидаги “**Абдулла Орипов лирикасида инсон концепти тадрижи**”га аҳамият қаратилган. Жамиятда амал қилувчи фалсафий қонуниятлар асосида инсон давр билан муносабатга киришади, ўрни билан уларга таъсир ўтказади, ўзи ҳам таъсирланади. Инсон оламни ва воқеликни идрок қилишда эрк, ижод ва ҳақиқат каби умуминсоний туйғулар оғушида бўлади. Ижодкор ахлоқи, маънавий савияси, маданияти унинг ижодида, бадиий адабиётда намоён бўлади. Табиат ва жамиятда содир бўлувчи барча воқеа-ходисалар марказида инсон туради. Шу боис жамиятда инсон концепциясига эътибор кучли. Инсонни қадрлаган жамият маънавий юксалиб бораверади. Инсон табиат ва жамият ҳаёти қонуниятларини англаб боргани сайин тафаккури ривожланади. Мазкур ҳолатларни Абдулла Орипов шеърларидаги фалсафий мушоҳадаларда кўришимиз мумкин. Шоир табиат ва жамиятда содир бўлаётган воқеалар тизимида ўзаро кучли боғлиқликни кўра билади ҳамда улар марказида инсон турганлигини, барча фалсафий қонуниятлар унга боғлиқ ҳолда амалга ошишини ўз шеърлари мазмун-моҳиятига сингдириб юборади. Абдулла Орипов ижодида инсон концепцияси алоҳида аҳамият касб этади.

Шоирнинг она юрт, Ватан, халқ мавзусига бағишланган шеърларида ўзлигини таниб қолган, ҳақиқий ўтмишидан хабардор бўлган ва дунёкараши замон ўлчовларига мос келмайдиган, фалсафий мушоҳадаларга эга бўлган ўрта ёшлардаги шахс образи бўй қўрсатади. Адабиётшунос М.Давронова ўз тадқиқотида Усмон Азим ҳамда А.Орипов услубининг ўзига хос хусусиятларини инсон концепцияси орқали кўрсатишга ҳаракат қиласди. Тадқиқотчининг ёзишича: “Усмон Азимнинг фалсафий-интеллектуал шеърияти Абдулла Ориповнинг фалсафий шеъриятидан фарқланиб туради. Абдулла Орипов услубини теран фалсафийлик, шарқона донишмандлик, чукур лиризм билан белгилаш мумкин. Масалан, шоирнинг “Фил ва чумоли” шеърига эътибор қаратамиз:

- *Филга айланибсан, чумоли, нечун?*
- *Рўзгоримдан кўнглим тўқлиги учун.*
- *Чумоли бўлибсан, сўйла, фил, нечун?*
- *Рўзгоримдан тинчим йўқлиги учун¹.*

Абдулла Орипов услубида шарқона ҳикмат уфуриб туради. Шоир гўё (Қ.Йўлдошев таъкид этганидек) оламга мутафаккир назари билан қараб туради ҳамда бугунни изоҳлаб, келажакни башорат қиласди. Шеърларнинг айримларида ижодкорнинг ўз ҳамюрларидан фаҳрланиши, аждодларимизнинг халқ ва Ватан олдидаги хизматларидан ғуурланиши акс этган бўлса, бошқасида атрофдагиларнинг кирдикорларидан нолиш, маддоҳлардан нафратланиш каби туйғулар етакчилик қиласди. Унинг алам билан йўғрилган шеърларидан бири “Башорат” шеъридир. Шеърда кўтарилиган мавзу, шоирнинг ифода услуби унинг “Муаллақ гапларни сўйлама менга” деб бошланувчи шеърига жуда ҳамоҳанг. Шеър мархум устозларга бағишланган. Шеър шундай бошланади:
*Раҳматли устозлар,// Домлаларим, Сиз,// Дорилфунундаги билим таянчи://
 Қабрингиз қошида дейман чўкиб тиз:// Умрингиз якуни гоят аянчи://
 Башорат қилдингиз нималарнидир,// Уларнинг ҳеч бири топмади исбот³.*
 Шеър қанчалик ўткир истехзоларга бой бўлмасин, китобхон ундаги гапларнинг тўғри эканлигини ич-ичдан эътироф этади. Ундаги фикрлар биргина муаллифнинг эмас, балки ўтган асрда шу тузумда ўсиб-улғайган авлод норозилиги сифатида жаранглайди.

Ижодкор ўзидан асло маслаҳат чиқмайдиган, оддий муаммоларга дуч келганда ҳам “Қани, маслаҳат қилайлик” дея такрорлайдиган, ўз ғояларига эга бўлмаган (“Маслаҳат”), бебаҳо умри “У ёқдан” келган топшириқни бажариш билан ўтган (“Ўзи йўқ одам”), дунёю, одамлар тақдири зарра ташвишга солмайдиган (“Темир одам”), дўстни ғаниму ғанимни дўст қилиб қўйгувчи (“Учинчи одам”), ўзи банди бўлган олам устидан ҳоким бўлмоқни истайдиган (“Асримиз одами”), насаб, икир-чикир, мол-мулк ташвиши уни

¹Орипов А. Танланган асарлар. 6-жилд. Күёш бекати. – Тошкент: Шарқ, 2010. – Б. 123.

²Давронова М. Ҳозирги ўзбек шеъриятида индивидуал услуг поэтикаси. Фил.фан.доктор. дисс. – Самарқанд, 2019. – Б. 228.

³Орипов А. Танланган асарлар. 8-жилд. – Тошкент: F.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2016. – Б. 236.

заррача ҳам жонсарак этолмаган (“Номаълум одам”), буюк шарқ тафаккурининг беназир хазинаси бўлган (“Аллома”) инсонлар образи каби бутун бир тимсоллар галерейсини яратади.

Абдулла Орипов ижодида инсон концепцияси унинг қалби ва руҳиятидаги товланишларда ўз ифодасини топган. Масалан, унинг биргина ислом дини ва унинг инсон тарбиясига оид қарашлари эътиборга моликдир. Шоир диний тушунчалардан жиҳод, савоб, гуноҳ каби қарашлар асосида бугунги китобхонни динга бўлган муносабатини ўзгартира олади. Унинг мисраларида диний талқинлар оддий, содда ҳолатда берилимай, балки риторик сўроқлар, риторик мурожаатлар орқали амалга оширилади. Бу эса ўқувчини сергак тортирибгина қолмай, балки диний қарашларининг кенгайишига ҳам олиб келади.

Бобнинг иккинчи фасли “**Шоир шеъриятида суврат ва сийрат масаласи**” деб номланган бўлиб, ушбу фаслда шоир яратган образларнинг ташқи ва ички қиёфасига эътибор қаратилди. Абдула Орипов ижодидаги образлар, уларнинг қиёфалари, суврат ва сийратлари ранг-баранг. Унда оддий дехқондан тортиб йирик алломалар, тарихий шахсларгача ўз бадиий қиёфасига эга бўлган. Шоир шеърларида инсон тасвирига ташқи ва ички портрет нуқтаи назаридан ёндашган.

Абдулла Орипов оддий инсонларнинг бадиий қиёфасини, сийрат ва суратини яратишда қуидаги тафсилотларга мурожаат қиласиди:

1. Ташқи кўринишнинг бекарор хусусиятлари: мимика, имо-ишоралар: *Озор бермоқ унинг азалий касби, // Баъзан имо билан, баъзан сўз билан* (“Дилозор”), *Менга ёлғизсан деб чимирмагил қош, // Жилмайиб тургайсан*, гўё мухлисдан // *Мақтov кутаётган шоир мисоли* (“Туғилган кун”), *Балки термилгайсан* кўкка беармон (“Ўйин”), *Мунис кўзларини тикиб, мўлтираб,* // *Болакай юзингдан узмайди нигоҳ* (“Хайриҳоҳ”), *Маъюс боқар эди ботгувчи кунга* (“Номаълум одам”), *Мунгайиб термулар* ботгувчи кунга (“Аёл”), *Жанубни Шарқ деса айлаб имолар* (“Учинчи одам”), *Оддий жуссангизга кўз ташлаб зидан* (“Авлодларга мактуб”).

2. Руҳий ҳолатнинг энг кўзга кўринган хусусиятлари тасвири: кулги ва кўзёш: *Кўрдим кўзларингда чарчоқ бир кулгу* (“Саратон”), *Бу-чи йиглай олмас, айланган тошга* (“Темир одам”), *Шон-шуҳрат талашган турфа хил ғарib, // Шўрлик кимсаларга кулиб боқарди.*// *Менимча, дунёning устидан роса* // *Мириқиб қаҳқаҳа уриб кетди* у (“Номаълум одам”), Бола каби **кулар**, бироқ **кўзда ёш**, // Бола каби **йиглар** ва лекин унсиз (“Шоир”). Руҳий ҳолатнинг тасвири бўлган кулги ва кўз ёш Абдулла Орипов лирикасида шунчаки қўлланмайди, балки ҳолатни ифодаловчи бу сўзларнинг ёнига яна бир ҳолат ифодаловчи сўз келтирилади, натижада инсоннинг бошқа ижодкорлар илғамаган қиёфаси намоён бўлади: *чарчоқ бир кулгу, // йиглар ва лекин унсиз, // кулар, бироқ кўзда ёш*.

3. Инсоннинг ёши: *Саксон ёшли тирлар ҳам // Йигирмага киргайдир* (“Йигирма йил”), *Отанг тўқсон ёшда ўтди оламдан* (“Ота мақоми”), *Набира ўн саккиз ёшга кирибди* (“Набирам Шоҳруҳга”), *Ҳар бирни тўқсонга* кирган бу чоллар (“Ҳаёт ишқи”). Шоир ўз шеърларида инсон умрининг энг

гўзал (ўн саккиз) ҳамда қиёмига етган (саксон, тўқсон) паллаларини ифодалайдиган ёшларни қўллайди ва бу орқали унинг қиёфасини яратади.

4. Инсон овози: *Набирам кассета қўяр гоҳида, // Узоқдан келади ўқтам бир нафас.* // Тағин овоз келар йироқ-йироқдан, // Ватан деб, элим деб тортилган **наъра** // Турфа **садоларни** тургайман тинглаб, // Бирида **маъюсман**, бирида **шодон** // Охир эштилар **паришон овоз**, // Сўзин англа бўлмас, бари аралаш (“Кассета”). Шоир бу шеърда овознинг турли даражаларидан фойдаланиб умрининг навқирон чоғи (ўқтам бир нафас), улғайган йиллари (наъра), етуклиқ даври (маъюс ва шодон овоз) ҳамда кексалик пайтидаги (паришон овоз) қиёфаларини тасвирлаб беради.

5. Инсон терисининг ранги: *Биримиз оқдиримиз, биримиз қора, // Биримиз бугдойранг, шундоқмиз, хуллас* (“Оддий ҳақиқат”), Мен-ку чиқиб минбарда // *Виқор тўқай демасдим.*// Нима учун рўйхатда **ҳабашичалик** эмасдим (“Женева”), *Пайғамбар уммати – қора тан Билол* // Расулга ҳамиша камарбастадир...// *Расулдан сўрашиди:* бу қора ҳабаши // Жаннат чехрасига ярашгай қандоқ// *Жавоб шундай бўлди:* – Сўйлангиз билиб, // Унинг **оқ дилида** иймон оҳангি// *Жаннат ҳурларига қора хол қилиб*, // Бўлиб берилгандир **Билолнинг ранги**. (“Билол Ҳабаш”). Абдулла Орипов инсон терисининг рангидан бир ўринда одам фарзанди рангидан қатъи назар ҳамиша teng эканлигини ифодалашда фойдаланган бўлса, бошқа ўринда ҳабаши сўзи орқали инсоннинг, бутун бошли миллатнинг эрксиз эканлигини таъкидлаб ўтади. Билолнинг қора тани эса шоир шеъриятидаги бош ғоя, яъни сийратнинг сувратдан устунлигига ишора бўлиб хизмат қиласди.

Ижодкор шеъриятида инсоннинг бадиий қиёфаси, сийрат ва суврати бир қанча тарихий шахслар характерини очиб беришга ҳам йўналтирилади. Шеъриятида Пахлавон Маҳмуд, Алишер Навоий, Бобур, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Шароф Рашидов сингари тарихий шахслар қиёфаларини тасвирлаш орқали шоир сийратида ўзига хосликлар кузатилса, тарихий шеърий драмаларида эса Амир Темур, Боязид сингари образлар қиёфаларига дуч келишимиз мумкин. Шоир бу образларни ўз асарларига олиб кирад экан, аввало, уларни устоз сифатида улуғлаганлигини, қолаверса, ўз халқи учун жонини фидо қила оладиган қаҳрамон сифатида тасвирлаганлигини гувоҳи бўламиз.

